



O'zbekiston Nogironlar
Assotsiatsiyasi nashri

IMKONIYAT

● Ijtimoiy-siyosiy, huquqiy va madaniy gazeta ● t.me/imkoniya gazetasi ● № 8 son (32) ● 2025 yil 26 aprel ● shanba

2025 YIL — ATROF-MUHITNI ASRASH VA «YASHIL» IQTISODIYOT YILI



● Инклюзив жамият сари ДОРИХОНАЛАРДА МОНИТОРИНГ

Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси ташаббуси билан дорихоналарда тўсиқсиз муҳит мавжудлиги бўйича мониторинг ишлари давом эттирилмоқда.

Жорий йил 2 апрель куни Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси "Инклюзив ҳаёт" нодавлат нотижрат ташкилоти билан ҳамкорликда ногиронлиги бўлган шахслар учун инфратузилманинг ногиронлиги бўлган шахсларга мослашганини ўрганиш мақсадида дорихоналарни мониторинг қилишнинг дастлабки босқичини амалга оширди.

Ўзбекистон Ногиронлар ассоциациясининг жа-



моатчилик назорати бўлими бошлиғи ҳамда "Инклюзив ҳаёт" нодавлат нотижрат ташкилоти вакили иштирокида "Doktor Aybolit", "O'diljon va Obidjon Farm", "Elixir Farm", "Shayana Farm" va "City Farm" номли дорихоналар кўздан кечирилди. Мониторинг давомида ногиронлиги бўлган шахслар учун тўсиқсиз муҳитнинг мавжуд эмаслиги ёки етарли даражада мослашмаганига оид бир қатор камчиликлар аниқланди. Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида дорихоналар маъмуриятига огоҳлантириш ва тавсиявий хатлар юборилди.

Мониторинг Ўзбекистон Республикасининг Қурилиш нормалари ва қоидалари (ШНҚ), Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 11-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг "Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида"ги Қонунининг 24-моддаси сингари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилди.

Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси мониторинг ишларини доимий равишда давом эттиради ва мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб олади. Бу эса ижтимоий ва тиббий инфратузилма объектларига тенг имкониятлар яратишни таъминлашга хизмат қилади.

Маъмур мониторинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди қўмағида ташкил этилмоқда.

Азиз МУҲАММЕДХҲАЕВ,
Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси
Жамоат назорати бўлими бошлиғи.

Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси ходимлари "Карьера кун"и меҳнат ярмаркасида фаол иштирок этди.

Ижтимоий давлат деб эълон қилинган мамлакатимизда аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари, айниқса, ногиронлиги бўлган инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги энг муҳим тадбирлар ногиронлиги бўлган инсонларга касб ўргатиш, уларни ўқитиш ва иш билан таъминлаш ҳисобланади. Бугунги пайтда ногиронлиги бўлган инсонларнинг олий таълим даргоҳларида ўқишлари учун ҳам катта имкониятлар ва ҳатто имтиёзлар яратилган.

Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси мамлакатимизда яшаётган ногиронлиги бўлган ёшларга олий таълим бериш борасидаги тадбирларга алоҳида эътибор билан қарайди. Бу борада қўллаб-қувватлаш муассасалари, муҳими Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университет билан ҳам меморандумлар имзоланган.

Шу йил 18 апрель куни Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университетда талабалар ва битирувчи ёшлар учун "Карьера кун"и меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда давлат ва нодавлат ташкилотлар, турли корхона ва муассасалар иштирок этиб, ўз фаолият йўналишлари, ишга қабул қилиш шартлари ва кадрлар тайёрлаш бўйича имкониятлари ҳақида маълумот бердилар.

Маъмур тадбирда Ўзбекистон Ногиронлар ассоциациясининг Стратегик режалаштириш масалалари бўйича раис ўринбосари А. Абдухалилов ва Ахборот технологиялари бўлими бошлиғи А. Акбаров иштирок этди ва университетни тугаллаган ногиронлиги бўлган инсонларнинг иш

● Янги иш ўринлари

МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТДА МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ



билан таъминланиш имкониятлари билан танишдилар.

Тадбирда талабалар, битирувчилар ҳамда профессор-ўқитувчилар томонидан Ассоциация фаолиятига катта қизиқиш билдирилди. Бундай

мулоқотлар келгусида жисмоний имконияти чекланган инсонларнинг олий маълумот олишлари йўлида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси
Матбуот хизмати.

● Тадбиркор – элга мададкор

ТАДБИРКОРЛИК - ИШБИЛАРМОНЛИК САНЪАТИ

Бугунги кунда мамлакатимизнинг қайси манзилига борманг, у ёки бу тадбиркорлик билан шугулланаётган кишилар қўллаб-қувватланаётган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли ҳаётида тобора мустақамланиб бораётганига гувоҳ бўламиз. Зотан, шаклан кичик бўлишига қарамаддан, ушбу бизнес иқтисодидеятимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва халқ фаровонлигини юксалтиришда катта аҳамият касб этмоқда.

Тадбиркорлик ва хусусан оилавий тадбиркорликнинг ижтимоий самарадорлиги унинг маънавият ва маданият билан узвий алоқадорлигида ҳам намоён бўлади. Оилавий тадбиркорликда жамият маънавияти ва маданияти акс этади. Оилавий бизнес, тадбиркорлик ва оилавий корхона фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий асоси асрлар давомида шаклланиб келган шарқона қадриятлар, ахлоқий тамойиллар ҳисобланган орият, ному, меҳр-шавқат, мурувват, поклик, ҳалоллик, диёнат, ишонч, кут-барақа, эзгулик сингари хусусиятлар билан уйғунашши, оила аъзоларининг кундалик фаолияти, инсоний муносабатининг асосини ташкил қилади. Ҳозирги кунда оилавий тадбиркорлик жамият маънавияти ва маданияти ривожланишига ижобий таъсир қилмоқда, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Айтиш мумкинки, тадбиркорларнинг шарофа-

ти билан юзлаб одамлар ишли, даромадли бўлиб қозони қайнапти. Тадбиркор – элга мададкор, деган нақл бежиз айтилмаган. Унда чуқур маъно, катта ҳикмат бор. Тадбиркорлар бугунги кунда оила қуриш, уй-жойли бўлиш, ногиронлиги бўлган шахсларни, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда болаларини тарбиялаш, ўқитишда яқиндан қўмаклашишяпти. Ўрни келганда шуни таъкидлаш керакки, иши тайин, даромади бор одам эса ҳеч қачон ноқўя йўлга кирмайди, ёмон ишларга қўл урмайди. Шунингдек, тадбиркорлар қатори уларнинг ишчилари ҳам юртимиздаги тинчлик-осойишталик, барқарорликдан манфаатдор бўлиб, она-Ватан тинчлиги, мамлакат тараққиётини жон-дили билан ҳимоя қилишга доимо тайёр туради.

– Тадбиркорликни ривожлантириш – биз учун стратегик вазифа. Бизнинг таянчимиз ҳам, суянчимиз ҳам, энг катта кучимиз ҳам шу соҳа-

да мужассам. Шу боис, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш марказдан тортиб энг қуйи бўғингача – барча раҳбарларнинг кундалик иши бўлиши шарт. Айниқса, жойларда ҳокимлар ҳар бир тадбиркор билан кўпроқ мулоқот қилиб, корхоналарга бориб, уларнинг дарди билан яшаши керак. Биз катта иқтидор эгалари бўлган бизнес вакилларини асрашимиз, авайлашимиз зарур. Улар биз учун жуда қадрли инсонлар, деган эди мамлакатимиздаги фаол тадбиркорлар билан 2024 йил 20 декабрда видеоселектор шаклида бўлиб ўтган мулоқотда Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев.

Тадбиркорлик – ишбилармонлик фаолигини юритиш, амалга ошириш санъатидир. Ҳа, тадбиркор ўз зиммасига масъулиятни олиб таваккал қилувчи, ўз хатти-ҳаракати туфайли даромад олишга умид қилувчи ва ҳар қандай йўқотишларга тайёр бўлган ихтиёр бир шахсдир. Бундай кишилар бизнинг Бекобод туманимизда кўпчиликини ташкил этади. Ана шундай қобилиятли, мурувватли, сабр-қаноатли, ҳалол, ишбилармон тадбиркорлардан бири Деҳқонбоева Шохсанам Рустамқуловнадир. У ўттиз йилдики, Бекобод Савдо комплексидан тадбиркорлик билан шугулланади. Шохсанам тумандаги 15 та ша-

● Ижтимоий ҳимоя – янги имкониятлар пойдевори МУҲОКАМАДА – ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР САВИЯСИ

Янги таҳрирдаги Асосий қонун қабул этилгандан кейин, ижтимоий давлат ҳисобланган Ўзбекистонда аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, айниқса, яқна-ёлғизлар, ногиронлиги бўлган инсонлар ҳамда қарияларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди. У фуқароларнинг ижтимоий ҳимояга оид ҳуқуқларини таъминлаш ва ижтимоий хизматлар сифатини тубдан ошириш мақсадида иш бошлади. Шу билан биргаликда бугунги кунда Республикаимиздаги ўрта ва олий ўқув муассасаларида ижтимоий ҳимоя тизимида ишлайдиган мутахассислар тайёрлайдиган бўлим ва факультетлар очилди.

Яқинда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ижтимоий ҳимоя соҳасидаги муҳим масалалар бўйича очик мулоқот ташкил этилди. Унда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Шаҳноза Мирзиёева Ижтимоий иш факультети талабалари билан учрашди.

Ушбу бевосита мулоқотда Ш. Мирзиёева университет талабаларининг ёшлар ўртасидаги ижтимоий ҳимоя тизимининг ҳолати ва унинг самарадорлигини ошириш борасидаги фикрларни тинглади.

Очик мулоқот давомида талабалар томонидан кўтарилган асосий масалалар – ижтимоий ҳимоя тизими хизматларини юқори савияга кўтариш, унинг самарадорлигини ошириш, ногиронлиги бўлган шахслар учун янада қулай муҳит яратиш, ижтимоий ҳодим имиджини янада кўтариш ва ижтимоий лойиҳалар қўламини кенгайтиришдан иборат бўлди.

Талабалар ўз лойиҳалари, ғоялари ва мамлакатдаги ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимининг келажагига оид фикрлари билан ўртоқлашдилар. Улар савол бердилар, тингладилар, баҳслашдилар. Бу чин маънодаги самимий ва мазмунли давра суҳбатига айланди.

Ростини айтсам, мен бу учрашувдан руҳланган ҳолда чиқдим, – дея фикр билдирди Ш. Мирзиёева. – Чунки, менинг олдимда жонқуяр, билимли, ақли, мақсадаги интилаётган, яхшилик йўналиштирилган режаларга ўзгартиришлар киритишни хоҳловчи авлод борлигини кўрдим.

Кўтаринки руҳда ўтган учрашувда ёшлар ижтимоий ҳимоя соҳаси равақини таъминлашга фаол иштирок этишлари, ўз ижтимоий масъулиятларини ҳис қилишлари ва жамиятдаги ижтимоий адолатни таъминлашга ҳисса қўшишлари муҳимлиги таъкидланди.

АМАЛИЙ ТАЖРИБАЛАР АЛМАШИНАДИ

Мамлакатимизда аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш ишига комплекс ёндашув асосида профессионал ижтимоий ҳимоя тизимини жорий қилиш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда ташкил этилган Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ягона давлат сийсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади. У ўз фаолиятини бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади.

Маъмур агентлик ташаббуси билан Швеция ва Ўзбекистон ўртасидаги ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ҳамкорлик янги босқичга олиб чиқилмоқда. Агентлик директорининг навбатдаги учрашуви Швеция Парламенти Спикери ўринбосари ва Швеция Қироллигининг Ўзбекистондаги Факултетада ва мухтор элчиси Юлия Кронлид хоним билан бўлиб ўтди.

Учрашувда ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида тажриба алмашиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг қатламларини қўллаб-қувватлаш ва инновацион ёндашувларни жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

Юлия Кронлид хоним ижтимоий ҳимоя борасидаги Ўзбекистон тажрибасини катта қизиқиш билан ўрганиш ниятида эканлигини таъкидлади ва икки томонлама ҳамкорлигини янада ривожлантириш мақсадида фикр, билимлар ҳамда амалиёт ютуқларини алмашишга тайёр эканлигини билдирди.

Томонлар мулоқотни давом эттириш, гуманитар лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш ва ижтимоий ҳимоя соҳасида Ўзбекистон ва Швеция ўртасидаги шериклик муносабатларини янада мустақамлашга тайёр эканликлари маълум қилдилар. Шу билан бирга, ҳамкорлик ижтимоий ҳимоя тизимини яхшилаш орқали икки мамлакатда аҳолининг ҳаёт сифатини оширишга ҳисса қўишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйдилар.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
матбуот хизмати.



роити оғир оилаларни оталиққа олган. У Рамазон ва Қурбон ҳайитлари ва 3 декабрь – Халқаро Ногиронлар куни озиқ-овқат ва кийим-кечаклар билан муҳтожларни сийлайди. Шохсанам ЎзНЖ Бекобод бўлинимасининг энг фаол хомийларидан бири. Мана, беш йилдики, бўлинимизга аъзо бўлган ногиронлиги бўлган фуқароларнинг саломатлигининг тикланишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларни қўлтиқтаёқ, ҳасса ва протез-ортопедик буюмлар билан ҳам таъминланишига яқиндан ёрдам бермоқда. Шу билан бирга, оилавий шароити оғир хонадонларнинг фарзандларига мактаб формалари ва ўқув қуроллари олиб бериб, уларнинг кўнглини кўтармоқда.

(Давоми 2-бетда).

